

Ўзбекистон Республикаси  
Марказий банки бошқарувининг  
2023 йил “8” июлдаги  
21/2- сонли қарорига  
1-илюва  
№1041

**Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тизимида ходимларнинг  
коррупциявий хатти-харакатлари, одоб-ахлоқ ва ички меҳнат тартиби  
қоидаларини бузиш ҳолатлари устидан хизмат текширувларини ўтказиш бўйича**

**РЕГЛАМЕНТ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Регламент Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг марказий аппарати, ҳудудий бош бошқармалари ва тасаррufидаги корхоналар (кейинги ўринларда – Марказий банк тизими) ходимлари томонидан коррупцияга қарши курашишга оид Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги ва Марказий банкнинг ички хужжатлари ҳамда “Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ходимларининг одоб-ахлоқ қоидалари” (кейинги ўринларда – одоб-ахлоқ қоидалари) ва “Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Ички меҳнат тартиби қоидалари”нинг (кейинги ўринларда – ички меҳнат тартиби қоидалари) бузилишига нисбатан хизмат текширувини (кейинги ўринларда – хизмат текшируви) ўтказиш тартибини белгилайди.

2. Мазкур Регламент қўйидаги мақсадларда ишлаб чиқилган:

Марказий банк тизимида хизмат текшируви ўтказишга ягона ёндашувни белгилаш;  
хизмат текшируви ўтказиш жараёни ва натижаларини хужжатлаштириш талабларини белгилаш;

хукубузарликларни (қоидабузарликларни) содир этиш сабаби, имкон берувчи шарт-шароитларни аниқлаш ва бартараф этиш;

ички хужжатлар ва назорат таомилларидағи камчиликларни аниқлаш ва такомиллаштириш юзасидан тавсияларни бериш;

қонунчилик талабларини бузилиши бўйича жавобгарликка тортилиш хавфини камайтириш.

3. Хизмат текширувини ўтказишда қўйидаги тамойилларга асосланилади:

қонунийлик;

ходимларининг хукуқ, эркинликлари ва қонуний манфаатларига риоя қилиш;

фуқаролар хукуқ ва эркинликларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш;

олинган ахборот ва материалларнинг конфиденциаллиги;

хизмат текширувини ўтказишда шаффоффик, ҳалоллик, коллегиаллик, бетарафлик ва холислик ҳамда ходимнинг айбисзлик презумпцияси.

4. Регламентда қўйидаги тушунчалар қўлланилади:

**хизмат текшируви** – ходим томонидан коррупциявий хатти-харакатлар, одоб-ахлоқ ва ички меҳнат тартиби қоидаларини бузиш билан боғлиқ интизомий қилмиш содир этилганлиги фактини, унинг содир этилишида ходимнинг айбини, ходим томонидан интизомий қилмиш содир этилишига имкон берган сабаблар ва шарт-шароитларни, иш берувчига етказилиши мумкин бўлган моддий заарнинг хусусияти ва миқдорини аниқлаш мақсадида амалга ошириладиган текширишdir;

**ваколатли шахс** – иш берувчининг буйруғи асосида хизмат текширувини тайинлаш ваколати юклangan раис ўринbosари;

**ички назорат тузилмаси** – Марказий банк тизимида коррупцияга қарши комплаенс-назорат фаолиятини амалга оширувчи таркибий тузилма ёки масъул шахс;

**ходим** – Марказий банк тизимида меҳнат шартномасига асосан меҳнат муносабатларига киришган жисмоний шахс.

### **2-боб. Хизмат текшируви ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилиш**

5. Хизмат текшируви ходимлар томонидан коррупцияга қарши курашишга оид қонунчилик ва Марказий банкнинг ички хужжатлари ҳамда одоб-аҳлоқ ва ички меҳнат тартиби қоидаларининг бузилганлиги тўғрисидаги асосли маълумотлар мавжуд бўлганда унинг муҳимлигидан келиб чиқсан ҳолда иш берувчи ёки ваколатли шахс томонидан тайинланади.

6. Бундай маълумотлар қуидаги манбалардан олиниши мумкин:

оммавий ахборот воситалари хабарлари;

ходимнинг бевосита раҳбарининг билдиргиси;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари;

ходимларнинг ёзма ёки оғзаки шаклда берган маълумоти (мурожаати);

Ички назорат тузилмаси томонидан ўтказилган мониторинг ва назорат натижалари;

Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг сўровлари ва тақдимномалари;

ходим томонидан интизомий қилмиш содир этилган деб тахмин қилиш учун асос бўладиган бошка маълумотлар.

7. Марказий банк тизимида қуидагилар хизмат текшируви ташаббускорлари бўла олади:

Марказий банк раиси ва унинг ўринбосарлари;

Марказий банкнинг мустақил таркибий бўлинма раҳбарлари, худудий бош бошқарма бошлиқлари ва тасарруфдаги корхоналар раҳбарлари;

Одоб-аҳлоқ комиссияси;

ички назорат тузилмаси.

8. Хизмат текшируви қуидаги таркибий бўлинмалар томонидан амалга оширилади:

#### Коррупциявий хатти-ҳаракатлар юзасидан:

Марказий банк марказий аппарати ва худудий бош бошқармалар ходимлари, шунингдек тасарруфдаги корхоналарнинг Республика лавозимлар номенклатурасига киравчи ходимлари бўйича – **Марказий банк марказий аппаратининг ички назорат тузилмаси** томонидан;

Марказий банк тасарруфидаги корхоналарнинг Республика лавозимлар номенклатурасига кирмайдиган ходимлари бўйича – **корхоналарнинг ички назорат тузилмалари** томонидан.

Одоб-аҳлоқ ва ички меҳнат тартиб қоидаларини бузиш билан боғлиқ ҳолатлар юзасидан:

Марказий банк марказий аппарати ходимлари, шунингдек худудий бош бошқармалар ва тасарруфдаги корхоналарнинг Республика лавозимлар номенклатурасига киравчи ходимлари бўйича – **Марказий банк марказий аппаратининг кадрлар билан ишлаш тузилмаси** томонидан;

худудий бош бошқармалар ва тасарруфдаги корхоналарнинг Республика лавозимлар номенклатурасига кирмайдиган ходимлари бўйича – **худудий бош бошқармалар ёки тасарруфдаги корхоналарнинг кадрлар билан ишлаш бўйича таркибий тузилмаси (ёки масъул шахс)** томонидан.

9. Иш берувчи ёки ваколатли шахс томонидан хизмат текширувини ўтказиш ёки ўтказмаслик тўғрисида буйруқ (фармойиш) қабул қилинади.

Бунда, хизмат текшируви ўтказилмасдан материалларни хукуқни муҳофаза қилиш органларига тақдим этиш тўғрисида қарор қабул қилиниши мумкин.

### **3-боб. Хизмат текшируви ўтказиш бўйича комиссияни тузиш**

10. Марказий банк тизимида хизмат текширувлари меҳнат тўғрисидаги қонунчиликда белгиланган тартибда иш берувчи ёки ваколатли шахс томонидан қабул қилинган хизмат текширувини ўтказиш тўғрисидаги буйруқ (фармойиш)га мувофиқ тузиладиган қуйидаги комиссиялар томонидан ўтказилади:

#### **Марказий банкнинг марказий аппарати Хизмат текшируви комиссияси:**

Марказий банк марказий аппарати ва ҳудудий бош бошқармалар ходимлари, шунингдек тасарруфдаги корхоналарнинг Республика лавозимлар номенклатурасига киравчи ходимлари томонидан коррупцияга қарши курашишга оид қонунчилик ва Марказий банкнинг ички хужжатлари бузилиши ҳолатлари юзасидан;

Марказий банк марказий аппарати ходимлари, шунингдек ҳудудий бош бошқармалар ва тасарруфдаги корхоналарнинг Республика лавозимлар номенклатурасига киравчи ходимлари томонидан ички меҳнат тартиби қоидаларининг бузилиши ҳолатлари юзасидан.

**Ҳудудий бош бошқармалари Хизмат текшируви комиссияси** – ҳудудий бош бошқармаларнинг Республика лавозимлар номенклатурасига кирмайдиган ходимлари томонидан ички меҳнат тартиби қоидаларининг бузилиши ҳолатлари юзасидан.

Алоҳида ҳолларда ҳудудий бош бошқармаларнинг Республика лавозимлар номенклатурасига кирмайдиган ходимлари томонидан ички меҳнат тартиби қоидаларининг бузилиши ҳолатлари юзасидан хизмат текширувлари Марказий банкнинг марказий аппарати Хизмат текшируви Комиссияси томонидан ўтказилиши мумкин.

**Марказий банкнинг Одоб-ахлоқ комиссияси** – Марказий банк марказий аппарати ходимлари, шунингдек ҳудудий бош бошқармалар ва тасарруфдаги корхоналарнинг Республика лавозимлар номенклатурасига киравчи ходимлари томонидан одоб-ахлоқ қоидаларининг бузилиши ҳолатлари юзасидан;

**Ҳудудий бош бошқармаларнинг Одоб-ахлоқ комиссияси** – ҳудудий бош бошқармаларнинг Республика лавозимлар номенклатурасига кирмайдиган ходимлари томонидан одоб-ахлоқ қоидаларининг бузилиши ҳолатлари юзасидан.

11. Марказий банк тасарруфидаги корхоналарнинг Республика лавозимлар номенклатурасига кирмайдиган ходимлари томонидан коррупцияга қарши курашишга оид қонунчилик ва Марказий банкнинг ички хужжатлари ҳамда одоб-ахлоқ ва ички меҳнат тартиби қоидаларининг бузилиши ҳолатлари юзасидан хизмат текширувлари меҳнат тўғрисидаги қонунчиликда белгиланган тартибда иш берувчининг буйруғига асосида тузиладиган комиссиялар томонидан мазкур Регламент талабларига мувофиқ ўтказилади.

12. Комиссия камидаги уч нафар аъзодан шу жумладан, бир нафари касаба уюшмаси вакилидан иборат бўлиши керак. Уларнинг бир нафари комиссиянинг раиси бўлади. Комиссия раиси комиссия ишини ташкил этади ва мувофиқлаштиради. Унинг ўтказилаётган хизмат текшируви доирасидаги қонуний талаблари комиссия аъзолари томонидан бажарилиши мажбурийдир. Комиссия раиси хизмат текширувани ташкил этиш, тайёрлаш ва ўтказиш сифати, унинг натижалари, холосалари ва таклифларининг холислиги учун шахсан жавобгар бўлади.

Комиссия раиси ўзига нисбатан хизмат текшируви ўтказиладиган ходимни иш берувчи ёки ваколатли шахснинг хизмат текшируви ўтказиш ҳақидаги буйруғи (фармойиши) ҳамда хизмат текширувани ўтказиш бўйича комиссия таркиби билан танишиши ёки танишганлик тўғрисида имзо қўйиш рад этилган тақдирда комиссия

Агар ўзига нисбатан хизмат текшируви ўтказилаётган ходим томонидан иш берувчи ёки ваколатли шахснинг хизмат текширувани ўтказиш ҳақидаги буйруғи (фармойиши) ҳамда хизмат текширувани ўтказиш бўйича комиссия таркиби билан танишиши ёки танишганлик тўғрисида имзо қўйиш рад этилган тақдирда комиссия

аъзолари томонидан тегишли далолатнома камида икки нафар аъзолар томонидан имзоланган ҳолда расмийлаштирилиши лозим.

13. Комиссия таркибига қуйидаги шахсларнинг киритилишига йўл қўйилмайди:  
хизмат текшируви ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилган мансабдор шахс;  
харакатлари текширилиши зарур бўлган ходимлар бўйсунувидаги ходимлар;  
ўзига нисбатан хизмат текшируви ўтказилаётган ходим билан қариндошлик алоқаларида бўлган шахслар;

хизмат текшируви натижаларидан бевосита ёки билвосита манфаатдор бўлиши мумкин бўлган шахслар, шу жумладан ходим томонидан интизомий қилмиш содир этилишига ёки интизомий қилмишнинг келиб чиқишига дахлдор эканлиги тўғрисида асосланган гумонлар мавжуд бўлган шахслар;

мурожаати хизмат текшируви ўтказилиши учун асос бўлиб хизмат қилган шахслар;  
ўзига нисбатан хизмат текшируви ўтказилаётган ходимлар.

Хизмат текширувини ўтказишга маҳсус билимлар соҳасида маслаҳат олиш учун шартнома асосида эксперtlар сифатида мутахассислар жалб қилиниши мумкин.

#### **4-боб. Хизмат текширувини ўтказиш муддати**

14. Хизмат текширувини ўтказиш муддати **ўн беш иш куни**дан ошмаслиги керак.

Хизмат текширувини ушбу банднинг биринчи хатбошисида белгиланган муддатда, объектив сабабларга кўра тугаллаш мумкин бўлмаган алоҳида ҳолларда, иш берувчи ёки ваколатли шахс комиссиянинг асослантирилган важлари асосида хизмат текширувини ўтказиш муддатини яна ўн беш иш кунигача узайтиришга ҳақлидир.

15. Хизмат текшируви вактида тегишли ходим иш жойида бўлмаганда (таътил, касаллик, хизмат сафари ва бошқалар) текширув муддати кўчирилиши мумкин.

16. Агар ходимнинг иш жойида ҳозир бўлиши хизмат текширувига халақит бериши мумкин деб таҳмин қилиш учун асосли сабаблар мавжуд бўлса, иш берувчи ходимни ишдан четлаштиришга ҳақли.

Ходимни ишдан четлаштириш иш берувчининг бўйруғи билан расмийлаштирилади ва бўйруқ ўзига нисбатан хизмат текшируви ўтказилаётган ходимнинг эътиборига имзо қўйдириб етказилади. Агар ходим уни ишдан четлаштириш тўғрисидаги бўйруқ билан танишишни ёки бундай бўйруқقا имзо қўйишини рад этса, комиссия аъзолари тегишли далолатнома тузади. Иш берувчи ходимнинг талабига кўра унга ишдан четлаштириш ҳақидаги бўйруқнинг тасдиқланган кўчирма нусхасини у мурожаат этган кунидан эътиборан уч кундан кечиктирмай бериши шарт. Ходимни ишдан четлаштириш муддати ушбу Регламентнинг 14-бандида белгиланган хизмат текширувини ўтказиш муддатидан ошиб кетмаслиги керак.

Ўзига нисбатан хизмат текшируви ўтказилаётганлиги сабабли ишдан четлаштирилган ходимга ишдан четлаштиришнинг бутун даври учун ўртacha иш ҳақи сақланиб қолади.

#### **5-боб. Хизмат текширувини ўтказиш давомида ўрганиладиган маълумотлар**

17. Хизмат текширувини ўтказиш давомида комиссия хуқубузарлик (қоидабузарлик)ка алоқадор бўлган маълумотларни тўплаш, таҳлил қилиш ва хужжатлаштириш ишларини амалга оширади, шу жумладан:

хизмат текшируви тайинланишига сабаб бўлган важларнинг асослилиги;  
аниқланган хуқуқбузарлик (қоидабузарлик) ва уни содир этиш сабаблари;  
қонунчиллик ёки ички ҳужжатларга хавола (бандлари билан);  
хуқубузарлик (қоидабузарлик) ни содир этишда иштирок этган шахслар доираси;  
етказилган моддий ва номоддий, обрў-эътибор характеристидаги заарнинг кўриниши ва кўлами;

ходимнинг тушунтириш ва ёзма равишдаги талабларида кўрсатилган важлар;

хукубузарлик (қоидабузарлик)ка алоқадор бўлган бошқа маълумотлар.

18. Мазкур Регламентнинг 6-бандида санаб ўтилган барча, шу жумладан конфиденциал маълумотлар комиссия томонидан, Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва Марказий банкнинг ички ҳужжатларига мувофиқ қабул қилинган барча таомилларни кўллаган ҳолда олинниши ва фойдаланиши лозим.

19. Марказий банк ходимлари ёки жалб этилган бошқа шахслар билан ўтказилган сухбат жараёнини аудио ёки видео шаклида қайд қилиниши, сухбат тўғрисида баённома тузилиши мумкин (аудио ёки видео қайд хизмат текшируви материалларига қўшиб қўйилади).

Аудио ва видео қайдни амалга оширишдан олдин, сухбат ўтказилаётган шахснинг розилиги олинади. Розилик берилмаса, сухбат жараёнида аудио ва видео қайдини амалга оширувчи ускуналардан фойдаланишга йўл қўйилмайди.

20. Ходимлар хизмат текшируви жараёнида сухбат ёки тушунтириш беришдан бош тортган ҳолларда 1-иловага мувофиқ далолатнома расмийлаштирилади.

#### **6-боб. Комиссия аъзоларининг хукуқ ва мажбуриятлари**

21. Комиссия раиси хизмат текширувининг самарадорлиги ва натижаси, шунингдек, комиссия аъзоларининг мазкур Регламент билан белгиланган талабларга амал қилишлари учун маъсул бўлади.

22. Хизмат текширувни ўтказувчи комиссия қуидаги хукуқларга эга:

ўзига нисбатан хизмат текшируви ўтказилаётган ходимларга ёзма шаклда тушунтиришлар тақдим этишни, шунингдек хизмат текшируви масалаларининг моҳияти юзасидан бошқа ахборотни маълум қилишни таклиф этиш;

хизмат текшируви жараёнида аниқланиши керак бўлган ҳолатлар ҳақида бирор-бир маълумотдан хабардор бўлиши мумкин бўлган ходимларга улар юзасидан ёзма тушунтиришлар беришни таклиф этиш;

агар ходимнинг иш жойида ҳозир бўлиши хизмат текширувига халақит бериши мумкин деб тахмин қилиш учун асосли сабаблар мавжуд бўлса, хизмат текшируви вақтида ходимни ишдан четлатиш тўғрисида иш берувчига таклифлар киритиш;

хизмат текширувни ўтказиш учун муҳим бўлган ҳужжатлар билан танишиш ва зарурат бўлганда уларнинг кўчирма нусхаларини хизмат текшируви материалларига қўшиб қўйиш;

ўзига нисбатан хизмат текшируви ўтказилаётган ходим фойдаланадиган хизмат ва ишлаб чиқариш хоналарини, шу жумладан унинг иш жойини, жой участкаларини, омборларни, столларни, жавонларни, папкаларни ва маҳфий ахборотни ташувчи жисм мавжуд бўлиши мумкин бўлган бошқа предметларни иш берувчининг розилиги билан кўздан кечиришни амалга ошириш, шунингдек иш берувчидаги маҳфий ахборот мавжуд бўлган барча жисмларни ҳамда уларнинг келиб тушиши ва ҳаракатланишини акс эттирувчи ҳисобга олиш ҳужжатларини (ҳисобга олиш дафтарлари ва журналларини) иш берувчининг розилиги билан текшириш;

инвентаризация, тафтиш, аудит ўтказиш ҳақида илтимоснома киритиш;

илмий, техникавий ва бошқа маҳсус билимларни талаб этадиган масалалар бўйича мутахассисларни шартнома асосида жалб этиш тўғрисида илтимоснома киритиш ҳамда улардан маслаҳат олиш.

Комиссия қонунчиликка мувофиқ бошқа хукуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

23. Хизмат текширувни ўтказувчи комиссия аъзоларининг мажбуриятлари:

ўзига нисбатан хизмат текшируви ўтказилаётган ходимнинг ҳамда хизмат текшируvida иштирок этиш учун жалб қилинган бошқа шахсларнинг хукуқ ва эркинликларига риоя этиши;

хизмат текшируви материалларининг бут сақланишини ва махфийлигини таъминлаши, текширув натижалари тўғрисидаги маълумотларни ошкор этмаслиги;

ўзига нисбатан хизмат текшируви ўтказилаётган ходимга унинг хукуқ ва мажбуриятларини тушунтириши;

хизмат текшируви ўтказилишининг бориши ҳақида иш берувчини хабардор қилиши;

коррупциявий хатти-ҳаракатлар, одоб-аҳлоқ ва ички меҳнат тартиби қоидаларини бузиш билан боғлиқ интизомий қилмиш содир этилганлиги факти аниқланган тақдирда, ушбу интизомий қилмиш содир этилган сана ва вақтни, интизомий қилмишни содир этган ходимнинг жавобгарлиги даражаси ва хусусиятига таъсир қиласидиган, унинг айбини ҳам оғирлаштирадиган, ҳам енгиллаштирадиган ҳолатларни ҳужжат билан тасдиқлаши;

ўзига нисбатан хизмат текшируви ўтказилаётган ходимнинг шахсий, ишбилармонлик ва ахлоқий сифатларини тавсифловчи ҳужжатлар ва материалларни тўплаши;

илгари ўтказилган хизмат текшируви материалларини, шунингдек ўзига нисбатан хизмат текшируви ўтказилаётган ходим томонидан илгари содир этилган интизомий қилмиш тўғрисидаги ахборотни ўрганиши;

ўзига нисбатан хизмат текшируви ўтказилаётган ходимга ўтказилаётган текширувга бевосита алоқадор бўлган масалаларнинг моҳияти юзасидан тушунтириш беришни таклиф қилиши, у тушунтириш беришни рад этган тақдирда эса комиссия аъзолари томонидан имзоланадиган тегишли далолатнома тузиши;

ўзига нисбатан хизмат текшируви ўтказилаётган ходим томонидан коррупциявий хатти-ҳаракатлар, одоб-аҳлоқ ва ички меҳнат тартиби қоидаларини бузиш билан боғлиқ интизомий қилмиш содир этилганлигига гувоҳ бўлганлар хизмат текшируви жараёнида аниқланган тақдирда, улардан тушунтириш талаб қилиши;

хизмат текшируви ўтказиш тўғрисида қарор қабул қиласи иш берувчи ёки ваколатли шахсга меҳнат мажбуриятларининг аниқланган ва бартараф этилиши талаб қилинадиган бузилишлари ҳақида дарҳол хабар бериши;

ходимнинг коррупциявий хатти-ҳаракатлар, одоб-аҳлоқ ва ички меҳнат тартиби қоидаларини бузиш билан боғлиқ интизомий қилмишни содир этишига имкон берган сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлаши ҳамда уларни бартараф этишга қаратилган чораларни таклиф қилиши;

хизмат текшируви ўтказишнинг иш берувчи буйруғида ушбу Регламентнинг 14-бандига мувофиқ белгиланган муддатига риоя этиши;

хизмат текшируви натижалари тўғрисида далолатнома тайёрлаши ва уни ушбу Регламентнинг 31-бандида белгиланган муддатда иш берувчига тақдим этиши;

ўзига нисбатан хизмат текшируви ўтказилган ходимни хизмат текширувини ўтказиш натижалари тўғрисидаги далолатнома билан имзо кўйдирган холда танишитириши, танишиш рад этилган ёки танишганлик тўғрисида имзо кўйиш рад этилган тақдирда эса комиссия аъзолари томонидан имзоланадиган тегишли далолатнома тузиши ҳамда камида икки нафар шахс томонидан имзоланиши лозим.

Хизмат текшируvida иштирок этаётган ходимлар зиммасига ушбу Регламент талабларига риоя этиш лозимлиги юзасидан шахсий жавобгарлик юклатилади.

Комиссиянинг зиммасида қонунчиликка мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

24. Ўзига нисбатан хизмат текшируви ўтказилаётган ходим ушбу Регламентнинг 13-бандида назарда тутилган асослардан бири мавжуд бўлган тақдирда комиссия аъзосини рад этиш тўғрисида ёзма шаклда арз қилишга ҳақли.

Комиссия аъзосини рад этиш асосланган бўлиши керак ва комиссия хизмат текшируви натижалари ҳақида далолатнома қабул қилгунинг қадар хизмат текширувинг ҳар қандай босқичида арз қилиниши мумкин.

Комиссия аъзосини рад этиш тўғрисидаги ариза хизмат текшируви ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилган иш берувчи ёки ваколатли шахсга берилади. Рад этиш ҳақидаги аризага доир қарорни хизмат текшируви ўтказиши тайинлаган иш берувчи ёки ваколатли шахс рад этиш ҳақидаги ариза берилган пайтдан эътиборан бир иш кунидан кечиктирмай қабул қилиши керак. Ушбу қарор қабул қилинган кундан кейинги иш кунидан кечиктирмай ходим ва комиссия аъзолари эътиборига етказилиши керак.

Мазкур Регламентнинг 13-бандида назарда тутилган асослардан бири мавжуд бўлса, комиссия аъзоси дарҳол ўзини ўзи рад этиши шарт.

Ходимнинг комиссия аъзосини рад этиш тўғрисидаги аризаси қаноатлантирилган тақдирда ёки ушбу комиссия аъзоси ўзини ўзи рад этганда иш берувчи комиссиянинг янги аъзосини тайинлади.

#### **7-боб. Хизмат текшируви тайинланган ходимнинг хукуқлари ва мажбуриятлари**

25. Хизмат текшируви тайинланган ходим(лар) қуйидаги хукукларга эга:

- хизмат текшируви нима сабабли ўтказилаётганини билишга;
- комиссия аъзоларини рад этиш тўғрисида арз қилишга;
- хизмат текшируви масалалари бўйича ёзма тушунтиришлар беришга;
- хизмат текшируви ўтказилиши давомида илтимосномалар беришга;
- хизмат текшируви материалларига қўшиб қўйиш учун ҳужжатлар, ашёвий далиллар тақдим этишга;
- гувоҳларни хизмат текшируви ўтказилиши давомида кейинчалик уларни сўровдан ўтказиши учун тақдим этишга;
- хизмат текшируви материаллари билан танишишга, улардан кўчирмалар, кўчирма нусхалар олишга;
- хизмат текшируви натижалари ҳақидаги далолатнома билан танишишга;
- комиссиянинг хulosаси ва ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан якка тартибдаги меҳнат низолари учун белгиланган тартибда шикоят қилишга ҳақлидир.

Ходим ўз шаъни ва қадр-қимматига путур етказадиган маълумотни рад этиш учун хизмат текшируви ўтказилишини талаб қилишга ҳақлидир. Хизмат текширувани ўтказиш тўғрисидаги ариза иш берувчига ёзма шаклда берилади ва у тақдим этилган кундан эътиборан уч кундан кечиктирмай кўриб чиқилади.

26. Ўзига нисбатан хизмат текшируви ўтказилаётган ходим ўзига берилган хукуқлардан вижданон фойдаланиши, хизмат текшируви ўтказилишига монелик қилмаслиги, шу жумладан хизмат текшируvida иштирок этишдан бўйин товламаслиги, ҳақиқатни аниқлашга далилларни йўқ қилиш, сохталаштириш, бошқа ғайриқонуний ҳаракатлар содир этиш йўли билан монелик қилмаслиги шарт.

#### **8-боб. Хизмат текшируви натижаларини расмийлаштириш**

27. Хизмат текшируви натижалари ҳақидаги далолатномада қуйидаги маълумотлар кўрсатилиши керак:

- ўзига нисбатан хизмат текшируви ўтказилган ходим тўғрисидаги (ходимнинг фамилияси, исми, отасининг исми, у бажараётган иш (эгаллаган лавозим), ушбу иш берувчидаги иш стажи, илгари содир этилган интизомий хукуқбузарликлар учун интизомий жазонинг мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги ҳақидаги маълумотлар);

- хизмат текширувани ўтказган комиссия таркиби тўғрисидаги;

- хизмат текширувани ўтказиш асослари ҳақидаги;

ходим коррупциявий хатти-харакатлар, одоб-аҳлоқ ва ички меҳнат тартиби қоидаларини бузиш билан боғлиқ интизомий қилмиш содир этганлиги фактининг мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги тўғрисидаги;

коррупциявий хатти-харакатлар, одоб-аҳлоқ ва ички меҳнат тартиби қоидаларини бузиш билан боғлиқ интизомий қилмиш содир этилганлиги фактини тасдиқловчи хужжатлар ҳақидаги;

ўзига нисбатан хизмат текшируви ўтказилган ходимнинг тушунтиришларида кўрсатилган важлар тўғрисидаги;

ходимнинг коррупциявий хатти-харакатлар, одоб-аҳлоқ ва ички меҳнат тартиби қоидаларини бузиш билан боғлиқ интизомий қилмиш содир этганлиги ҳолатлари ва унинг оқибатлари ҳақидаги;

ходимнинг ўз меҳнат мажбуриятларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун унинг айбордлигини тасдиқловчи ёки истисно этувчи материаллар тўғрисидаги;

коррупциявий хатти-харакатлар, одоб-аҳлоқ ва ички меҳнат тартиби қоидаларини бузиш билан боғлиқ интизомий қилмиш содир этилганлиги натижасида ходим томонидан иш берувчига етказилган зарарнинг хусусияти ва миқдори ҳақидаги (агар шундай зарар мавжуд бўлса).

28. Хизмат текшируви натижалари тўғрисидаги далолатноманинг якунловчи қисмида хизмат текшируви натижасида комиссия келган хulosалар шакллантирилган бўлиши керак.

Ходим томонидан коррупциявий хатти-харакатлар, одоб-аҳлоқ ва ички меҳнат тартиби қоидаларини бузиш билан боғлиқ интизомий қилмиш содир этилганлиги факти тасдиқланган тақдирда, хизмат текшируви натижалари ҳақидаги далолатномада ходимни интизомий жавобгарликка тортиш тўғрисида, ходим иш берувчига ҳақиқатдан тўғридан-тўғри зарар етказганлиги факти аниқланган тақдирда эса моддий жавобгарликка ҳам тортиш ҳақида иш берувчига йўлланган таклифлар, шунингдек меҳнат интизомини кучайтиришга, ходимлар томонидан интизомий қилмиш содир этишга имкон берадиган сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этишга қаратилган, профилактика хусусиятига эга бўлган тавсиялар мавжуд бўлиши керак.

29. Агар хизмат текширувини ўтказиш натижасида ходимнинг коррупциявий хатти-харакатлар, одоб-аҳлоқ ва ички меҳнат тартиби қоидаларини бузиш билан боғлиқ интизомий қилмиш содир этганлиги фактининг мавжуд эмаслиги ёхуд ходимнинг ўз меҳнат мажбуриятларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун айби йўқ эканлиги аниқланса, хизмат текширувининг натижалари тўғрисидаги далолатноманинг якунловчи қисмида ходимга нисбатан асоссиз шубҳаланиш учун имкон берган сабаблар ёхуд ходимнинг ўз меҳнат мажбуриятларини бажаришига монелик қилаётган ҳақиқий сабаблар кўрсатилиши керак.

30. Агар комиссия хизмат текширувини ўтказиш учун ходимнинг шаънига, қадр-қимматига ёки ишчанлик обрўсига путур етказувчи нотўғри маълумотлар асос бўлганлигини аниқласа, хизмат текшируви натижалари тўғрисидаги далолатноманинг якунловчи қисмида ушбу маълумотларни рад этиш ҳақидаги тавсиялар бўлиши керак.

31. Хизмат текшируви натижалари тўғрисидаги далолатнома комиссия раиси ва унинг барча аъзолари томонидан имзоланади, шунингдек хизмат текшируви тайинланган ходим далолатнома билан таништирилади ва имзоланади ҳамда комиссия тўплаган бошқа материаллар билан бирга иш берувчига уч иш кунидан кечиктирмай топширилиши керак.

32. Хизмат текшируви натижалари тўғрисидаги далолатнома тегишли хulosani қабул қилиш учун овоз берган комиссия аъзолари томонидан имзоланиши керак. Хизмат текширувининг натижалари ҳақидаги хulosадан рози бўлмаган комиссия аъзоси хизмат

текшируви натижалари тўғрисидаги далолатномага илова қилинадиган ўзининг алоҳида фикрини ёзма шаклда баён этишга ҳақлидир.

33. Далолатнома асосида хизмат текширувчи натижалари юзасидан қўйидаги қарорлар қабул қилиниши мумкин:

хукуқбузарлик (қоидабузарлик) ҳолати тасдиқланмаганини сабабли чора кўрмаслик;

сабабларини кўрсатган ҳолда хизмат текшируви материалларини қўшимча ишлаш учун қайтариш;

мехнат муносабатларини тартибга солувчи қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда айбдор ходимни жавобгарликка тортиш;

келгусида шу каби қоидабузарликлар содир бўлишининг олдини олиш бўйича тегишли чора-тадбирларни ишлаб чиқиш;

ходимнинг хатти-ҳаракатларида амалдаги қонунчилик ҳужжатларида белгиланган хукуқбузарлик ёки жиноят аломатлари тасдиқланган ҳолларда, тегишли материалларни хукуқни муҳофаза қилувчи органларига тақдим этиш.

34. Хизмат текшируви ўтказилишига сабаб бўлган маълумот ҳақида хабар берган шахслар қоидабузарлик тасдиқлангани ёки тасдиқланмагани, шунингдек кўрилган чоралар ҳақида умумий тарзда хабардор қилинади.

#### **9-боб. Хизмат текширувига оид ҳужжатларни сақлаш ва улардан фойдаланиш**

35. Хизмат текшируvida иштирок этаётган ходимлар текширув давомида уларга маълум бўлган ахборотнинг конфиденциаллигини таъминлайдилар, қонунчиликда кўзда тутилган ҳолатлар бундан мустасно.

36. Хизмат текширувига оид маълумотлардан фойдаланиш хукуқига фақат Марказий банк раиси ва унинг ўринбосарлари, комиссия аъзолари, тегишлилиги бўйича худудий бош бошқармалар ва тасарруфдаги корхоналар раҳбарлари ҳамда ички назорат ва кадрлар билан ишлаш тузилмалари эга.

Бошқа ходимлар хизмат текширувига оид маълумотлардан фойдаланиш учун:

Марказий банк марказий аппарати хизмат текшируви ва одоб-аҳлоқ комиссиялари томонидан ўтказилган хизмат текширувлари бўйича – тегишлилиги бўйича ички назорат ва кадрлар билан ишлаш тузилмалари фаолиятини мувофиқлаштирувчи раис ўринбосарлари;

худудий бош бошқарма ва тасарруфдаги корхоналар комиссиялари томонидан ўтказилган хизмат текширувлари бўйича – худудий бош бошқарма бошлиғи ва корхона раҳбарининг ёзма розилигини олиши лозим.

37. Хизмат текширувига оид материаллар комиссия раҳбари томонидан алоҳида йиғмажилдга рақамланган ва тикилган ҳолда тегишлилиги бўйича ички назорат ёки кадрлар билан ишлаш тузилмасига топширилади.

38. Ички назорат ва кадрлар билан ишлаш тузилмалари мазкур Регламентга 2-иловага мувофиқ шаклда хизмат текширувлари реестрини юритилишини таъминлайди. Тасарруфдаги корхоналарда ўтказилган хизмат текширувлари реестрини корхонанинг ички назорат тузилмаси юритади.

39. Хизмат текширувига оид барча ҳужжатлар, агар бошқача тартиб Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида кўзда тутилмаган бўлса, тасдиқланган вақтдан бошлаб 5 (беш) йил давомида сақланиши лозим.

40. Мазкур Регламент талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тизими ходимларининг коррупциявий хатти-харакатлари ва одоб-аҳлоқ қоидаларини бузиш ҳолатлари устидан хизмат текширувлари ўтказиш бўйича регламентга 1-илова

## ДАЛОЛАТНОМА

«\_\_\_» \_\_\_\_\_ 20\_\_ й.

Биз, қуида имзо қўювчилар

(ФИШ, лавозими)

(ФИШ, лавозими)

(ФИШ, лавозими)

Ходим (ФИШ, лавозими) 20—йилнинг «--»да

\_\_\_\_\_, дан иборат бўлган қоидабузарлик содир этилганлиги тўғрисида ёзма тушунтириш бериш таклиф этилган бўлиб, у ёзма тушунтириш беришни рад этгани тўғрисида ушбу далолатномани туздик.

Ёзма тушунтириш беришни рад этганлиги сабабларини ходим (ФИШ, лавозими) қуийдагилар билан изохлади

(тушунтириш беришни рад этганлик сабаблари эркин шаклда баён этилади).

Далолотнома тузган шахслар имзоси: \_\_\_\_\_  
(имзо) (ФИШ)

\_\_\_\_\_  
(имзо) (ФИШ)

\_\_\_\_\_  
(имзо) (ФИШ)

Далолотнома билан танишдим\*: (ФИШ, лавозим, сана, имзо) \_\_\_\_\_

\* Далолотномага имзо қўйишидан бош тортса, комиссия раҳбари «имзолашдан бош тортди» ёзувини киритиб, ўзи имзо қўяди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тизими ходимларининг коррупциявий хатти-ҳаракатлари ва одоб-аҳлоқ қоидаларини бузиш ҳолатлари устидан хизмат текширувлари ўтказиш бўйича регламентга  
2-илова

## **Хизмат текширувлари (электрон) реестри**